

---

## ҲАЁТ ИМКОНИАТЛАРГА ТЎЛА

Риштон туман ХТБ тасарруфидаги 51-умумий ўрта таълим мактабида туман ҳокимлиги, туман прократураси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Риштон туман бўлинмаси ва ҳамкор ташкилотлар иштирокида “Ҳаёт имкониятларга тўла” мавзусида семинар тренинг бўлиб ўтди. Тадбирга уй таълимида таълим олаётган 57 нафар ўқувчилардан 9 нафари ота-онаси билан биргаликда таклиф этилиб, “Ҳаёт имкониятларга тўла” эканлиги тўғрисидаги видео роликлар ва керакли методик тавсиялар берилди. Тадбирда туман ҳоқими С. Солиев, ва туман прокурори Ш. Турдалиевлар сўзга чиқиб юртимизда таълим-тарбияга берилаётган эътибордан унумли фойдаланиш кераклигини, юртимизда ҳеч ким эътибордан четда қолмаслигини таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, ўқувчиларга бадиий адабиётлар ва фахрий ёрликлар топширишди ҳамда уларнинг ота-оналари билан дилдан суҳбат қуришди. Тадбирда тумандаги барча корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этишди. Ўтказилган тадбирда 5 та муҳим ташаббус ижроси бўйича ўқувчиларнинг чиқиши, расмлар ва кўргазмалар танлови ҳам бўлиб ўтди. Бундай маънавий тадбирлар Секторлар кесимида ҳар куни ўтказиб борилаётганлиги ўқувчи ва ота-оналарни беҳад хурсанд этмоқда.

2021-03-13 06:33:30